Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 4 (2024) · “Milliy iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish va yuqori iqtisodiy o‘sish sur’atlarini ta’minlashning ustuvor yo‘nalishla...

ta´minlashning ustuvor yo´nalishlari´ mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

3. **Ijtimoiy aloqalar:** Ustrushona, nomadik va o‘rtacha o‘lkalik xalqlar orasida ijtimoiy aloqalarni o‘z ichiga olgan joydir. Bu yerda o‘lkada yashovchi xalqlar, ularning madaniy va ijtimoiy almashinuvi, va o‘zaro ta’sir o‘rin olgan.

Ustrushona o‘lkasining transmintaqaviy, madaniy, va ijtimoiy aloqalari, uning tarixiy o‘rni va tabiiy xususiyatlari bilan bog‘liqdir. Bu o‘lkada yashovchi xalqlar o‘rtasidagi madaniy almashinuvlar, tarixiy yodgorliklar, va ijtimoiy o‘zaroq munosabatlar o‘ziga xosdir. Ustrushona, O‘zbekistonning unikal o‘lkalari orasida o‘ziga xos joyga ega bo‘lib, uning tarixiy va tabiiy bog‘lanishlari o‘zini ifodalaydi.

Fayodalangan adabiyotlar.

1. Буряков Ю.Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. – Ташкент, 1975; Буряков Ю.Ф. Палеоэкологические и этнические процессы в контактных зонах Средней Азии в древности и средневековье // IJAS. – Seoul – Tashkent, 2003. – Vol. 8.
2. Сверчков Л.М. Замок Мык и его округа Древний Заамин. – Ташкент, 1994.
3. Грицина А. А. Усрушанские были. – Ташкент, 2000.
4. Грицина А.А., Содиқов М. Эски Ховос ва унга қўшни худудлар қадим ва ўрта асрларда. – Тошкент, 2010.
5. Яйленко В.П. Греки, Бактрия и шёлк. - Формирование и развитие трасс Великого шёлкового пути в Центральной Азии. – Ташкент, 1990.
6. Жуков В.Д. Находка сестерция Нерона в кушанском слое в Южном Узбекистане // Эпиграфия Востока. – Вып.ХГГГ. -М.1960 – С.125-127.
7. Взаимодействие кочевых и оседлых культур на Великом шёлковом пути. – Алма-Ата, 1991, – С.10.
8. Караев О. Северная дорога Великого шёлкового пути //Взаимодействие кочевых и оседлых культур. Указ.раб. – С.75.
9. Молдобаев И.Б. Великий шелковый путь в культуре кыргызского народа.: Указ. сборник. – С.84-85.
10. Пардаев М. Джизак - торговый пункт на Великом шелковом пути // Там же. – С.90.

ШОЛИЧИЛИКДА КООПЕРАЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Облоқулов Абдурауф Олимжон ўғли
ISFT институти, "Мененжмент" кафедраси в.б. доценти, и.ф.ф.д

happy_bear25@mail.ru

Xudoyberdiyeva Gulxayo Shavkat qizi
ISFT институти

Тадқиқотлар кўрсатишича, республикамизда шоли етиштириш ва қайта ишлаш жараёнлари асосан маҳаллий анъанавий усулларга асосланган бўлиб, йиллар давомида шаклланган тажрибаларга кўпроқ таянилган. Лекин, бу жара-ёнда серҳосил навларни яратиш, сув тежаш технологияларни қўллаш, соҳага илм-фан ютуқларини тадбиқ қилиш орқали юқори самарадорликка эришиш

Published: 23.12.2024
Cite this article: Облоқулов Абдурауф Олимжон ўғли, Xudoyberdiyeva Gulxayo Shavkat qizi (2024). Шоличиликда кооперация муносабатларини ривожлантириш. Emro Science and Education, 1(4). https://journal.emro.uz/public/maqola/1204
© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

имкониятларидан фойдаланиш масалаларига, жумладан, шоли майдонларида тупроқ эррозиясининг олдини олиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, шоли экиладиган чеклар, уларни суғориш тизими ва бошқа мелиортив тадбирларга етарли суммада инвестиция йўналтириш масалаларига эътибор қаратилмаган.

Табиийки, юқоридаги каби муаммоларни ҳал қилиш шоли етиштирувчи хўжаликлардан катта ҳажмда капитал ва оғир қўл меҳнати сарфлашни талаб қилади. Бугунги кунда кичик ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарувчи фермер ва деҳқон хўжаликларининг мелиоратив тадбирларни ва уруғчилик селекция ишларини йўлга қўйиш учун молиявий имкониятлари етарли эмас. Бу каби муаммоларни ечиш борасида ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатишича, хўжаликларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигида фаолият юритиши ташкилий- иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган бўлиб, бу ўз навбатида республикамизда ҳам шоличилик соҳасида кооперация муносабатларини шакллантириш ва улар асосида мавжуд муаммоларни ҳал қилишга эътибор қаратишни тақозо этади. Кооперативлар бир нечта шоличилик хўжаликларининг ўзаро бирикишидан, ўзларининг барча ресурс ва имкониятларини сафарбар этган ҳолда бир мақсад йўлида ўзаро ишонч ва манфаатдорлик асосида ташкил этилади.

Тадқиқотлар кўрсатишича, бугунги кунда нафақат аксарият шоличилик ривожланган давлатларда, балки, республикамиз шароитида ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини ва аҳолини шоли маҳсулотлари билан таъминлаш, шунингдек, шоличилик соҳасини инновацион ривожлантириш ва шоли ҳосилдорлигини ошириш каби йўналишларда ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини эътироф этиш лозим. Хусусан:

- иқлим ўзгариши таъсирида сув таъминотидаги муаммолар бошқа экин турларига нисбатан энг кўп сув сарфи талаб этадиган шоли майдонларининг қисқартирилишига олиб келиши;

- истеъмолда ГМО маҳсулотлари улушини камайтириш, экологик тоза органик табиий шоли маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш, унинг серҳосил ва тўйимли бошланғич авлодларини сақлаб қолиш билан бир қаторда истиқболда уруғчилик ва генетика илмини ривожлантириш заруриятининг пайдо бўлиши;

- шолининг қурғоқчиликка чидамли, сув тежовчи навларини яратиш, сув тежовчи технологияларини жорий этиш, соҳада синергетик самарага эришиш учун меҳнат мотивациясини рағбатлантириш, шоличилик хўжаликларининг бошқа ноқишлоқ хўжалик субъектлари билан бўладиган ўзаро функционал алоқаларини кооперация ва интеграция асосида ташкил этиш муаммоларини рақамли иқтисодиёт ва технологиялар жорий этиш талабларига мос ҳал этиш лозимлиги ва бошқалар.

Шу боисдан, фермер ва деҳқон хўжаликларининг катта ҳажм ва сифатли шоли маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кооперативлар ҳамда уларга функционал хизматлар кўрсатувчи субъектларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш юқори иқтисодий самара бериши, айниқса, хорижий тажрибалар орқали исботланган. Чунки, йирик молиявий имкониятга эга кооперативлар нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш самарадор-лигини ошириш, балки мавжуд муаммоларни ва таркибий субъектларнинг ўзаро манфаатли муносабатлари муштараклигини таъминлаш асносида ҳал қилиш ҳамда илм-фан ютуқлари ва иновацион технологияларни тезкор жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларини яратиш борасида ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Рақобат шароитида эса шоличиликда сифатли маҳсулот етиштириш кўп жиҳатдан илмий-тадқиқот натижаларига, айниқса, селекция соҳасида яратила-ётган

янги серҳосил, кам сув сарфи талаб қиладиган, зараркунанда ҳашорат ва касалликларга чидамли, айниқса, ҳар бир ҳудуднинг табиий-иқлим ва тупроқ шароитига мос навларни танлаш ва жойлаштиришга бевосита боғлиқ. Бироқ, якка тартибдаги хўжаликда илмий-тадқиқот ишланмаларига буюртма бериш ва уни молиялаштириш имкониятларининг чекланганлиги ҳам кооперация шакл ва муносабатларини ривожлантиришни тақозо этади, зеро бу йўналиш:

- шоличилик хўжаликларини рақамли иқтисодиёт механизмалари ва технологияларни жорий этиш йўли билан инновацион ривожлантириш, шоли маҳсулотлари етиштириш самарадорлиги ва сифатини оширишга мустаҳкам моддий-техник база яратишга хизмат қилади;

- жаҳон бозоридаги глобал интеграция жараёнида ресурслар тақчиллиги ва улар нархининг ўсиш тенденцияси, жумладан, шоличилик хўжаликларида харажатларнинг ортишига, айниқса, жорий ишлаб чиқариш йилида хўжалик фаолияти учун зарур бўлган айланма воситалар (уруғлик, ўғитлар, ёқилғи-мойлаш, касаллик ва ҳашоратларга қарши кураш материаллари) харид қилиш имкониятларини пасайтирибгина қолмай, шу билан бирга шоли ҳосилдорлиги ва самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатади. Жаҳон тажрибасида, тадқиқотларнинг кўрсатишича, мазкур муаммони ҳал этишнинг истиқболли ва самарали ташкилий-иқтисодий механизми сифатида ўзаро технологик боғлиқ турли ихтисосликларда фаолият юритувчи кооперативларни ривожлантириш зарурияти илмий-амалий ва самарадорликни кафолатли таъминлаш нуқтаи назардан тўлиқ асослаб берилган;

- сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган аграр ислоҳотлар жараёнида “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган шахсларга шоли етиштириш учун ер ажратиб берилиши натижасида шоличилик хўжаликлари сонининг ортиши ва шоли экиладиган ўртача ер майдонларининг кичрайиб бориши кузатилмоқда. Бу ҳолат ҳам ўз навбатида кичик чекларга асосланган ер участкаларида касаллик, зараркунанда ҳашорат ва бегона ўтларга қарши курашиш, суғориш даврларини мувофиқлаштириш ва сувни тақсимлаш, ишчи кучларидан самарали фойдаланиш, ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш каби муаммоларни якка тартибда ҳал қилишда қатор қийинчиликлар келтириб чиқариши муқаррар. Бундан ташқари, кам ҳажмдаги шолини қайта ишлаш, саралаш ва сотиш йўналишларида ҳам асосан қўл меҳнати асосий рол ўйнайди ва натижада нафақат харажатларнинг кўпайиш, балки олинган гуруч сифатининг ҳам пасайиш ҳолатлари содир бўлади ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган нархларда реализация қилиш имкониятлари камаяди.

Жаҳон тажрибасига кўра, кооперативларнинг афзаллик жиҳатларидан яна бири бу аъзоларнинг бир бирига боғлиқ ёки бири бирининг ёрдамисиз ҳал этилмайдиган муаммоларни ўзаро ҳамкорлик ва ишонч тамойилларига асосан уюшган ҳолда бартараф этишдир. Шоличиликда бундай муаммолардан бири бу шўрланиш ва деградация жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, шоли экиладиган муайян тупроқ таркибида содир бўладиган ва бир бирига таъсир қиладиган биологик ўзгаришларни мувофиқлаштиришни бир хўжаликнинг ўзи бартараф эта олмайди. Шу боис ҳам, фикримизча, юқорида таъкидланган ва бошқа шу каби кўплаб муаммоларни ҳал этиш мақсадида шоличилик кооперативларини ташкил қилиш таъсисчи хўжаликлар учун қуйидаги имкониятлар яратишини эътироф этиш лозим, хусусан:

- шоличилик кооперативи биринчи навбатда унинг таркибига кирувчи хўжалик субъектларидаги мавжуд асосий ишлаб чиқариш воситалари (бино ва иншоатлар, техникалар ва уларнинг тиркама асбоб-ускуналари ва ш.к.) ҳамда ўзаро

ҳамкорликда харид қилинган янги асосий ишлаб чиқариш воситалари асосида шаклланадиган Устав капитали, унинг бўлинмас жамғармаси орқали кооператив ўзининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлади. Бу моддий-техник шароит ўз навбатида кооператив таркибидаги субъ-ектларнинг маҳсулот (товар, хизмат) ишлаб чиқариш фаолиятларига интенсив омиллар, инновацион ресурстежамкор технологиялар ва селекция-уруғчилик тизимини татбиқ этиш ва ривожлантиришга мустаҳкам асос яратиб, таъсисчи хўжаликларнинг даромад олиш иқониятларини оширади;

- таъсисчи аъзо субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни йиғиштириш, тозалаш, ташиш, сақлаш ва шолини дастлабки қайта ишлаш ва сотиш (экспорт қилиш) жараёнларини катта миқдорда марказлашган тизимда ташкил қилиш орқали ресурслар сарфини камайтириш, маҳсулот (товар)лар нобутгарчилигини камайтириш ва шу каби чоралар эвазига юқори фойда олиш ва рентабелликни оширишда ҳам кооперативлар муҳим ўрин эгаллайди;

- шоличилик кооперативлари шоли етиштирувчи, ер ҳажми бўйича майда тарқоқ хўжаликларга нисбатан шоли экин майдонларини турли касалликлар, зараркунанда ҳашоратлар ва бегона ўтларга қарши курашиш тадбирларини кооперативда фаолият юритувчи агроном ва энтимолог-агрономлар тавсияси асосида атроф муҳит ва тупроқ таркибига салбий таъсир кўрсатмаслик ҳамда одамлар соғлигига зарар етказмаслик чораларини эътиборга олган ҳолда айнан лозим бўлган чеклар кесимида тегишли техника воситалари ёрдамида тизимли амалга ошириш ҳисобига маҳсулотлар сифати ва ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш учун замин яратади.

Бугунги кунда аксарият ривожланаётган давлатлар иқтисодиётни бозор механизмлари асосида ташкил қилиб, хўжалик субъектлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларни хусусий манфаатдорликни таъминлаш нуқтаи назардан либераллаштиришга асосий эътибор қаратишмоқда. Шу билан бирга, барча соҳалар каби қишлоқ хўжалигини бошқаришни ҳам либераллаштириб, аграр соҳани фақатгина хомашё ишлаб чиқарувчи эмас, балки, тайёр ва ярим тайёр халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш тенденцияси давом этмоқда. Шу боисдан, кейинги йилларда аксарият хорижий давлатлар қишлоқ хўжалигида кооперация шакл ва муносабатлари, субъектлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилишга бўлган интилиш тез ривожлана бошлади. Аксарият ҳолларда қишлоқ хўжалиги кооперативларининг ривожланишида давлатнинг роли ва кўмаги муҳим аҳамият касб этиб, тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш ва товар айланиш тезлигини оширишга кучли ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бунда давлат томонидан кооперативларни ривожлантириш учун манзилли ва имтиёзли субсидия ва кредит маблағларини самарали қўллаш чора-тадбирлари муҳим рол ўйнамоқда.

Шоличилик кооперативларининг ташкил қилиниши қишлоқ хўжалигида қўл меҳнатини камайтирибгина қолмай, соҳани модернизация қилиш имкони-ятларини яратувчи кичик саноат субъектлари (корхона, миницехлар ва ш.к.) нинг кириб келишини таъминлаб, меҳнат унумдорлиги ва мотивациясини, агротехника тадбирларнинг механизациялаш даражасини оширишга замин яратади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги кооперативлари янги хизмат турлари кўрсатувчи инфратузилма субъектларини ташкил қилиш ва ривожлантириш, қишлоқда меҳнат бандлигини таъминлаш каби ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имкониятларини янада кенгайтиради. Чунки, кооперативлар фақатгина хомашё ишлаб чиқарувчи эмас, балки ишлаб чиқаришни ресурслар билан таъминлаш, ҳосилни йиғиш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, тўлиқ харид қилиш ва сотиш жараёнларини

марказлашган тизимда амалга оширувчи ва уларни ташкил этувчи истиқболли хўжалик юритувчи субъектдир.

Аслида, ҳукуматнинг кооперативларни ривожлантиришдан кўзлаган бир қанча мақсадлари мавжуд. Биринчидан, эркин иқтисодиётда бозор нархлари кескин ўзгарувчан бўлади. Бу эса, кичик ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик деҳқон хўжаликлари учун доим хатарлидир. Чунки, нархларнинг кескин тушиб кетиши, ресурслар таъминотидаги муаммолар, ҳосилни йиғиштириш жараёнидаги йўқотишлар каби муаммолар бевосита кооперативлар томонидан бартараф қилинади. Иккинчидан, ҳукуматнинг камбағалликни камайтириш дастури бўйича ер майдонларини иккиламчи ижрага ва ўзга шахсга вақтинча фойдаланишга бериш, ҳосилни етиштириш жараёнларини тўлиқ мониторинг ва назорат қилиш имконияти жуда ҳам паст. Шу боисдан, қишлоқ хўжалиги кооперативлари орқали маълум турдаги экин навларини жойлаштириш ва танлаш, шунингдек, уларнинг ривожланиш ҳолатини вегитация даврида тўлиқ мониторинг қилишда ҳам кооперативлар катта имконият ва устунликка эга. Учинчидан, экин ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш, тупроқ эрозисини камайтириш каби экологик муаммоларни ҳал қилишда ҳам кооперативлар муҳим ўрин эгаллайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Чариев К.А. Фермер ва деҳқон хўжаликларида кооперация жараёнларига жалб этиш. - “Ароиқтисодиёт”, №1. -Т.: - 2017 йил
2. Облоқулов А. Қишлоқ хўжалигида кооперациявий муносабатларни ташкил этиш хусусиятлари ва тамойиллари.-“Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали, №9. -Т.: -2021 й.
3. Dr. Lubwama Joseph Ntege (PhD) and Mr. Niyoyiremera Theogene. Contribution of Agricultural Cooperatives to Rural Development, Among Rice-Growers: Case of Coderika, Ruhango District, Rwanda. International Journal of Progressive Sciences and Technologies (IJPSAT) l. Vol 19 No. 1 February 2020,.;
4. MCLeod, A. 2006. Types of cooperatives. [Online]. Olympia: Northwest Cooperative Development Center. Available at: nwcdc.coop/wp-content/uploads/2012/09/CSS01-Types-of-Coops.pdf. [Accessed 2015, October 2].;

SANOAT SOHASIGA INVESTITSIYALARNI JALB QILISH

Alimova Dilafruz
Guluston Davlat Universiteti tayanch doktoranti

Abstrakt: Bu mavzu orqali biz investitsiya o’zi nima ekanligini, uning qanday turlari borligi va qanday maqsadlarga ega ekanligini, investitsiyaning mamlakatdagi o’rnini hamda Respublikamizdagi bu borada olib borilayotgan ishlarni, investorlar va ularga yaratilayotgan sharoitlarni va kelgusidagi amalga oshirilishi kerak bo’lgan loyihalar rejalari haqida bilib olishimiz mumkin.

Kalit so’zlar: Investitsiya, investor, bozor iqtisodiyoti, xorijiy investorlar, modernizatsiya, transformatsiya, innovatsiya, kapital, ichki investitsiya, tashqi investitsiya,

Kirish